

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

| | |
|--|-----|
| А. Акбаров Ҳайнрих Ҳайне ва аёллар..... | 94 |
| Г. Орипова Ўзбек шеърлятида ижровий лирика тарихи ва тадрижи..... | 101 |
| О. Барзиев Фарғона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик туркумлар..... | 108 |
| Д. Турдалиев Ўзбек достончилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари..... | 114 |
| Ю. Каримова “Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода воситалари..... | 123 |
| Д. Муратова XX аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оилавий кадриятлар тасвири..... | 127 |

ТИЛШУНОСЛИК

| | |
|---|-----|
| А. Мамажонов, А. Саминов Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик..... | 133 |
| М. Мамажонов Диалогик дискурда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир..... | 138 |
| Р. Ахророва Ўзбек ва француз тилларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши..... | 144 |
| Х. Қодирова Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шаклланган айрим лақаблар..... | 148 |
| Ҳ. Дўсматов Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини..... | 152 |
| Ш. Шокиров, Д. Қозоқбоева Инглиз тилида “ear – кулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари..... | 159 |
| Т. Яндашова Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопоэтикаси..... | 163 |
| Г. Тожиева Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши..... | 168 |
| З. Раджабова Ўқув фразеографияси лексикографиянинг махсус бўлими сифатида..... | 173 |

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

| | |
|---|-----|
| Х. Турсунов, Ю. Минаматов, И. Мўминов Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишнинг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари..... | 182 |
| М. Каримова, З. Арипов, М. Оламова Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари..... | 189 |
| С. Умаров Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари..... | 193 |
| С. Аъзамов Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш..... | 197 |

**“ЛИСОНУТ-ТАЙР” ДОСТОНИДА БАДИИЙ ТАСВИР УСУЛЛАРИ ВА ИФОДА
ВОСИТАЛАРИ
СПОСОБЫ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ИЗОБРАЖЕНИЯ И СРЕДСТВА
ВЫРАЖЕНИЯ В ПОЭМЕ «ЛИСОНУТ-ТАЙР»**

**WAYS OF ARTISTIC IMAGE AND MEANS OF EXPRESSIONS IN EPIC “LISONUT-
TAYR”**

Каримова Юлдуз Бахтиёровна¹

¹Каримова Юлдуз Бахтиёровна

–Фаргона давлат университети,
адабиётшунослик магистранти.

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достонидаги бадий асар тилининг ўзига хос хусусияти ва мажозий образ яратиш маҳорати ёритилган. Халқ оғзаки ижодида оид бўлган иборалар, мақоллар, афсона ва ривоятлар таҳлил қилинган. Бадий асарда тасвирийлик ва ифодалилик давр муҳитини, адабий тилни, урф-одатларни ўзида акс эттирган. Шоир яшаган давр, ижтимоий муҳит “Лисонут-тайр” достонида қушлар воситасида намоён бўлади. Алишер Навоий асарларида бадий тасвир ва ифода воситаларининг турли шакллари таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье описаны особенности художественного языка и мастерство создания образа в поэме Алишера Навои «Лисонут-тайр». Анализируются фразы, пословицы, мифы и легенды, связанные с фольклором. В произведении искусства образность и выразительность отражают среду эпохи, литературный язык и обычаи. Период жизни поэта и социальная среда отражены в поэме «Лисонут-тайр» через птиц. В произведениях Алишера Навои анализируются различные формы художественного образа и средства выражения.

Annotation

The peculiarities of the language of the work of art and the skill of creating a figurative image in Alisher Navoi's epic “Lisonut-tayr” are described in the article. Phrases, proverbs, myths and legends related to folklore are analyzed. In the work of art, imagery and expressiveness reflect the environment of the time, the literary language, and the customs. The period of the poet's life and social environment are reflected in the epic “Lisonut-tayr” through birds. In the works of Alisher Navoi various forms of artistic image and means of expression are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: бадий тасвир, ифода воситалари, мақол, фольклор, бадий образ, характер, мажоз, аллегория, ғоявий мазмун, бадий асар тили.

Ключевые слова и выражения: художественное изображение, средства выражения, пословица, фольклор, художественный образ, персонаж, метафора, аллегория, идейное содержание, язык художественного произведения.

Key words and expressions: artistic depiction, means of expression, proverb, folklore, artistic image, character, metaphor, allegory, ideological content, language of fiction.

Бадий асарда тасвирланаётган нарсани жонли тасвирлаш, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ёрқин ифодалашга хизмат қилувчи воситаларни умумлаштириб, бадий тасвир ва ифода воситалари, деб атаймиз. Бадий тасвир асарнинг либоси ҳисобланади. Адабиётшунос Д. Қуроноунинг: “Умумхалқ тилидаги сўзлар ўзининг номинатив ҳолатида ҳам тасвирийлик, ҳам ифодалиликни имкониятлари жиҳатидан фарқлайди. Яъни ижодкор ифода ва тасвирни сўз маъносига дахл қилмаган, мавжуд сўз хазинасидан “сўз танлаш” ҳисобигагина кучайтириши мумкин бўлади. Бадий тил умумхалқ тили

базасида юзага келади”, деб изоҳлайди[1,60].

Бадий асарда тасвирийлик ва ифодалилик давр муҳитини, адабий тилни, урф-одатларни ўзида акс эттириб беради. Алишер Навоий асарларида ҳам бадий тасвир ва ифода воситаларини турли шаклларда кўришимиз мумкин. Шоир яшаган давр, ижтимоий муҳит “Лисонут-тайр” достонида қушлар воситасида намоён бўлади. Бу асарнинг асосий ғояси, моҳияти ҳам достоннинг сўнгида ўз ифодасини топади. Яъни, Худо инсонда ўз жавҳари заррасини ато этади. Худони кўклардан эмас, инсон ўз борлигидан қидириши лозим. Ўзлик инсониятни йўқ

қилган, ҳайвоний сифатларда ўлган Ҳақда тирилади ва унинг бир заррасига айланади. Ана шу покиза руҳ илоҳий бўлиб, ҳақнинг парчасига айланиб, томчи сув денгизга қўшилгандай Ҳақ билан қўшилиб кетади. Инсон жавҳари руҳида ана шундай илоҳийлик мавжуддир.

Бадиий асарда образ муаллиф фикрини китобхонга етказиб берувчи воситадир. Бадиий образ деганда борлиқ (ундаги инсон, нарса, ҳодиса ва б.)нинг санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланган акси англанади[2,43].

Бадиий асарда образ реал ёки мажозий бўлиши мумкин. Мажозий образлар ҳайвонлар, қушлар ва бошқа нарсалар орқали яратилади. Асл мақсад эса инсон қиёфасининг ижобий ёки салбий жиҳатларини очиб беришга интилишдир. Алишер Навоий “Лисонут-тайр” достонида қушлар тимсолида инсонга хос қусурларни ифодалаган. Достонда қушлар куйидагича таърифланади:

Худхуд - раҳбарлик жиғаси билан сарбаланд бўлган қуш. У ҳамиша тўғри йўл кўрсатади ва ҳикоятларни сўзлаб боради. У ҳикоячи. Асарда донолик ва ақл эгаси сифатида талқин қилинади. Худхуд образи эртактарга хос услубда ёритилган.

Тўти - эгнида яшил либос кийган Хизр каби. Ватани Ҳиндистон. У қушлардан биринчи бўлиб узр айтади:

Хилъати ахзар била жўёи шаҳ,

Йўл озикқонларға бўлғил Хизри раҳ.

Ушбу байтда талмеҳ санъати қўлланган. Афсонавий, тарихий шахсларни келтириш усули талмеҳ санъатидир. Хизр образи мумтоз адабиётда жуда фаол қўлланади. Ўзини Хизрга қиёслаган қуш биринчи бўлиб йўлни тарк этмоқчи бўлади. Аммо Худхуд донолик билан унга тўғри йўлни кўрсатади.

Товус – ташқи гўзаллиги билан фахрланадиган қуш. У ўз гўзаллигидан бошқа нарсани кўрмайди. Байтда шоир товусга нисбатан мақом, шаккаристон, висол сўзларини маҳорат билан қўллайди:

Ҳам мақоминг шаккаристони висол,

Ул шакардин нўш этиб, айлаб мақол.

Булбул – гул учун ғавғо қилади. Худхуд – бу, ишқ эмас, хавас дейди. Гулнинг умри қисқа, у худди саробга ўхшайди. Вақтинчалик кўнгилхушлик учун аслиятдан воз кечиш чин кишилик иши эмас. Худхуд булбулга муносиб ҳикоят

келтиради. Ҳикоятда подшоҳни яхши кўрган гадо образи берилади. Унинг ишқи сохта бўлиб, охири оловда куйиб ёнади. Бу байтда ҳам тажнис, ҳам тазод санъати наво ва бенаво сўзлари орқали қўлланган:

Ишқ лаҳнин минг наво бирла тузуб,
Бенаволиғлар суруди кўргузуб.

Қумри – ўз уясини дарахт шохлари ва барглар орасига куради. У ўз бошпанасидан узоққа учишни истамайди. Чиройли овози билан ўзига-ўзига мафтун. Худхуд унинг бу енгил гапларига муносиб бир боғбон ҳақида ҳикоя сўзлайди. Навоийнинг ҳам маҳорати шундаки, қумри образига муносиб сўзлар танлайди. Қофиядош сўзлардаги товушлар оҳангдорлигига катта эътибор беради. Ҳикоятда уқувсиз боғбон, яъни, хашакчи ҳақида мисол келтиради. Ўз ишини эпполмай, ерни ҳам, ўзини ҳам қийнаб, ҳосил ололмай, охир оқибат жўяк оралаб юрганда илон чақиб олади:

Солғонинг бўйнуғға тасбеҳи юср

Тилга онинг васфида юзланди уср

(Юср – осонлик, ишнинг осон юзага чиқиши, “уср”нинг зиди).

Уср – машаққат чекиш, қаттиқлик, “юср”нинг зиди).

Байтда тазод санъати қўлланган. Байт мазмуни: Юср (дарё тагида бўғин-бўғин бўлиб ўсадиган ўсимлик) тасбеҳини бўйнингга осиб олдинг, бу ҳақда айтишдан тил оғир аҳволда қолди.

Кабутар – тамагирлик билан уйлар томидан бўлак бошқа жойга боролмайди. Ҳикоятда эса одамлардан калтак егани эвазига қорин тўйдирадиган танбал ҳикоя қилинади. Одамлар ҳайдаса ҳам кетмайди. Бир куни бир одамнинг мушtidан йиқилиб, қайтиб ўрнидан туролмай қолади. Бу байтда ташхис санъати қўлланган.

Най кўюб бўйнуғға шояд тутқай ул,

Топқосен асли кабутар хонға йўл.

Тил услубида ҳам ўзига хослик бор. Қофияда “л” товуши асосий оҳангни бермоқда. Бир байтнинг ўзида мазмун тўлиғича очилмоқда.

Кабки дарий – тоғ каклиги. “Юришим доим кон устида бўлганидан кейин орзуим гавҳардир”. Какликнинг бу гапига Худхуд заргар ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Ҳикоятида қаллоб заргар шишани бўяб, гавҳар деб бир бойга сотади. Аммо сохталлиги фош бўлгач, уни ўлдирадилар. Байтда талмеҳ санъати қўлланган. Бу

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҳикоятда фирибгарлик ва тамагирлик узоққа бормайди, оқибати ёмон бўлишини уқтирувчи хулоса келиб чиқади.

Ҳажр кўхистонида Фарҳодвор,

Пўя қилмоғдин даме тутмай қарор.

Тазарв – тустовуқ. Чиройли қуш.

Ҳикоятда Мудбир ва Муқбил келтирилади.

Ишваи ноз айла, эй раъно Тазарв,

Ким қулунг гулшан аро озода сарв.

Байтда ташхис санъати ва ўхшатиш санъати қўлланмоқда. Мазмуни: эй ноз билан ишва қилувчи раъно Тазарв. Барваста сарв гулшан аро сенинг қулингдир. Мумтоз адабиётда ёрни сарвга қиёслаш анъана ҳисобланади. Уни озода дея таърифлаш янада қийматини оширишдир.

Қарчиғай – чангали ва тумшуғи ўткир қуш. Унга мос ҳикоятда эса бир одам тутиб олган айиқ келтирилади. Айиқ хаёлпараст, охири итга ем бўлади.

Бургут – ўзини паҳлавон ҳисоблайди. Худҳуд бургутга: “Ўз ширин жонидан кечиб, бу йўлга кирган кишигина ҳақиқий паҳлавон ва қаҳрамон деса бўлади”, дейди.

Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарида бургутни мағрур бош кўтариб, қушлар орасида лашкару аскардан ва қулоҳ-тождан ғурурланиб

лоф уришини ҳикоя қилади. Алишер Навоий ҳам устозининг бу таърифидан чекинмаган ҳолда, бургутни паҳлавон, деб атайди.

Шунқор – бир шоҳнинг бошида тожи бўла туриб, бошқа шоҳни исташи яхши эмас, дейди. Ҳикоятда эса бир подшоҳ мамлакатда катта тўй беради. Шунда бир аҳмоқ ўзини бўйра шоҳи, деб эълон қилади. Кийими бўйрадан эди, лекин базм тугагач, эл орасида масхара бўлади.

Куф – бойўғли. ожиз ва заиф қуш. Ҳикоятда умр бўйи хазина излаган бир девона хазинага етгач, ҳушидан кетиб қолади. Уни бошқа одам кўриб қолиб, пичоқлаб кетади.

Ҳумой – ўз сояси билан кишиларга шараф ато этади. Ҳикоятда эса уммондан садаф олиб чиқадиган ғаввослар тасвирланади. Улар арзимаган чақа эвазига савдогарларга сотади.

Ўрдак – мақсадим сувдир, дейди. Ҳикоятда Ҳинд денгизидаги савдогар бойлик тўплаб-тўплаб ҳажга боролмайди. Доим ёнидан ўтиб кетади. Охири кемаси денгизга фарқ бўлади.

Қуйидаги жадвал орқали қушларнинг муаллиф назарда тутган тасаввуфий тимсолларини ажратиб чиқамиз.

| Тр | Қуш номи | Қушларнинг тасаввуфий тимсоли |
|----|----------------------|--|
| 1 | Худҳуд (пўпишак) | шайх, муршид |
| 2 | Тўти | зоҳирий орзу-ҳавасларга ўч, худбин кимсаларни ёки руҳиятнинг ўз-ўзига бино қўйиш хусусиятини акс эттиради. |
| 3 | Товус | “Лисонут-тайр”да товус тимсоли, зеб-у зийнатларига бино қўйган киши ёки ўзининг илмига, амалига кибр айлаш рамзи |
| 4 | Қумри | чиройли овози билан ўзига ўзи мафтун киши |
| 5 | Кабутар | инсон руҳига ҳам муқояса қилинади. “Барча қушлар ичра ҳайю ямут” – тирик, ўлмайдиган қуш |
| 6 | Кавки дари (каклик) | узлатни макон тутган зоҳид (ёки руҳиятнинг ўз ибодатларига ружу қўйиши) |
| 7 | Тазарв (тустовуқ) | мумтоз адабиётда гўзаллик тимсоли бўлиб, бу ўринда ташқи чиройига маҳлиё бўлган енгилтак ёхуд руҳиятнинг енгил-елпиликларга мойиллиги тимсолида гавдаланади. |
| 8 | Шунқор | руҳиятдаги амалпарастлик иллатини ифода этади. |
| 9 | Бургут | нафсга, жисмоний куч-қудратга берилиб, тоат-ибодатни эсидан чиқарган инсон ёки аслиятни унутган руҳ тимсолида |
| 10 | Куф (бойўғли) | сохта кароматфуруш сўфий тимсолида ёки руҳнинг ўз илмий ҳунарларига мағрурлиги қиёфасида гавдаланади. |
| 11 | Товуқ (хўроз) | руҳиятда мавжуд бўлган шаҳвоний ҳирс тимсоли |

Алишер Навоий ҳар бир ҳикояга ўзига хос услубда ёндашади. “Лисонут-тайр” достонидаги ҳикоятлар ҳар бир образга мос тарзда берилган. Муаллиф худбинлик ва инсофсизликни асло кечирмайди. Инсофсизлик – шахс заволи. Инсоф бўлмаган жойда кишилар ҳаёти оғир кечади. Инсофни донишманд Алишер Навоий вафо билан тенг қўяди ва инсофсиз одамни одам эмас, деб эълон қилади:

Одамиға яхши кўп авсоф эрур,

Лек аларминг ашрафи инсоф эрур.
Кимгаким инсоф йўқ – инсон эмас,
Мунсиз аторида жуз нуқсон эмас.

Ҳақиқий инсонда кўп фазилатлар бўлади, лекин булар орасида энг шарафлиси инсофдир. Инсофсиз киши – инсон эмас.

XV аср Алишер Навоий даври бўлди. У эски ўзбек адабий тилига асос солди. Унинг асарлари соддалиги ва халқона услуби билан омма орасида тез шухрат қозонди. Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достонида бадиий асар тилининг ўзига хос хусусияти ва мажозий образ яратиш маҳорати ёрқин намоён бўлди. Халқ оғзаки ижодига оид бўлган иборалар, мақоллар, афсона ва ривоятлардан маҳорат билан ижодий

фойдаланди. Шоир асарларида тасвирийлик ва ифодалилик давр муҳитини, адабий тилни, урф-одатларни ўзида акс эттирди. Навоий яшаган давр, ижтимоий муҳит “Лисонут-тайр” достонида кушлар воситасида намоён бўлди. Шоир ижоди ҳали охиригача ўрганиб, тугаллана олмайдиган денгиз ажойиботлари каби ҳар бир ғаввосга ўз сирларини оз-оздан кўрсатиб, илҳомлантириб келмоқда. Ҳар шўнғиган ғаввос ўзи истаган нарчасини қўлга киритиб, адабиёт ривожига ўзига хос ҳисса қўшмоқда. Алишер Навоий туркий тил равнақини мислсиз даражада кўкларга кўтариб берди.

Адабиётлар:

1. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004.
2. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akadernashr, 2013.
3. Маллаев Н.. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
4. Алишер Навоий. Лисонут -тайр. – Т.: Фафур Фулом номидаги Нашриёт - матбаа бирлашмаси, 1991.
5. Valixo'jayev B. O'zbek adabiyotshunosligi tarixi. X-XIX asrlar, – T., "O'zbekiston", 1993
6. Umurov H. Adabiyotshunoslik nazariyasi. –Toshkent: A. Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004.
7. www.Ziyonet.uz

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).